

«Kundalik.com» тизимида фаоллар тақдирланди.

Халқ таълими соҳасида рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда.



Жумладан, умумтаълим муассасаларида ортиқча қоғозбозликдан воз кечиб, педагог ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилған қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Кундалик тизимини жорий этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Шунингдек туманда 2020 йилда [«kundalik.com»](http://kundalik.com) тизимиға уланган 2-4-5-6-сонли умумтаълим мактабларнинг 4 нафар администраторлари ва туман АҚТни жорий этиш ва ривожлантириш шўбаси мутахассиси Х.Шариповлар ҳам тақдирланди.



Бойсун туманида "kundalik.com" порталига уланган мактаблар яна 14 тага ортиб, туман бўйича ушбу тизимга уланган мактаблар сони 24 тани ташкил қилмоқда.

8-май куни Термиз шаҳридаги 16-информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган мактабида ушбу янги уланган мактаб педагогларининг "kundalik.com" бўйича билим ва малакаларини оширишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтади.